

Товар (иш, хизмат) лар харири тўғрисида 2022й. «18 03 даги 19-сонли

ЭЪЛОН (БУЮРТМАНОМА)

Ст. 4333900

Буюртмачининг номи	Сам НС ва ЭБ		
Буюртмачининг шахсий ҳисоб вараги	1000218601840017042402170006		
Буюртмачининг юридик манзили	Самарканд ш. Рудакий 174		
Буюртмачининг ЎзРТСБдаги электрон почта манзили			
Мурожаат учун телефон/факс	66 239-01-86		

Молиялаштириш манбаси. Изоҳ: <input checked="" type="checkbox"/> белгиси қўйилиши шарт	Бюджет маблаги	x	Бюджетда и таш- кари маблаги	[]	Давлат мақсадли ва бюджетдан ташкари жамғармалар маблаги	[]
---	-------------------	---	---------------------------------------	-----	---	-----

№	Товар (иш, хизмат) нинг номи	Ўлчи в бирл иги	Сони (минд ори)	Нархи	Сотиб олиш кўймати	Етказиб бериш муддати	Товар белгилари, ЎзДСТ, нави, ёғлилиги, фирма номи ва бошқалар, ёки эквиваленти
1	ЭЦВ 10-160-35 22 кВт тулик таъмири	шт	4	8 123 830	32 495 320		
2	ЭЦВ 12-255-30 32 кВт тулик таъмири	шт	4	8 633 383	34 533 532		
ЖАМИ							67 028 852
Транспорт хизмати нархи							
Контрактнинг максимал/бошланғич нархи транспорт нархи билин бирга (лот нархи) *							67 028 852

Етказиб бериш шартлари (товарни етказиб бериш, иш
бажариш, хизмат кўрсатиш жойи)

Олдиндан тўлов 30 %, колган 70 % товар (иш, хизмат) етказиб берилгандан сўнг ҳисоб-фактура (солиштирма далолатнома ва
бошқа) асосида

Тўлов муддатлари

Товар (иш, хизмат) сифати кафолати муддати **12** месяц

Товар (иш, хизмат) учун қўшимча талаблар

Алоҳида шартлар

Изоҳ: Ушбу устунда буюртмачининг юқорида айтилмаган товар (иш,
хизмат) лар харири бўйича барча талаблари кўрсатилиши шарт

Савдолар ўтказиш шакли	БУЮРТМАНО МА	ЭЛЕКТРОН САВДО
Изоҳ: <input checked="" type="checkbox"/> белгиси қўйилиши шарт.	ЭЪЛОН	КОНКУРС ТЕНДЕР

Савдоларнинг якунланиш санаси

Агент (ЎзРТХБ)нинг реквизитлари *	Мижоз (буюртмачи)нинг реквизитлари
Тошпирек шартномаси “_” “_” 20_й. -сон	Номи УИС НЭ при ЗБУИС
Номи	СТИР 201878214
СТИР	Рахбар имзоси
Имзоси	M.Y.
M.Y.	

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва
энергетика бошкармаси бошлиги в.в.б

М.Тагаев

«18» 03

2022 йил



ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармасининг ЭЦВ насосларни
тулик таъмири учун хизматларини курсатувчи ташкилотни аниклаш буйича

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ҲУЖЖАТИ

Самарканд 2022-йил

МУНДАРИЖА

- I Боб. Қатнашчига кўрсатма
- II Боб. Танловнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
- V Боб. Шартнома шакли

ТБОБ. КАТИАШЧИГА КҮРСАТМА

А. Үмумий мәлумот

Танлов предмети

Мазкур танлов хужжатларыда ишилатиладиган түшүүчелестар

Танлов комиссиясинин визифалари

Техник ва тижорат таклифларини баходолаш түрүндөгү визифалари

Катнашчига танловда катнашиш учун күйилдөлдөгөн маңақа талаблари

Танлов доирасыда хужжатларниң мағфийлігини тальминдап

Б. Танлов хужжатлари

Танлов хужжатининг таркиби

Танлов хужжатларига аниклик киритиш

Танлов хужжатларига ўзгартириш ва күшимишталар киритиш

В. Танлов хужжатларини тайёрланиши

Танловда катнашиш харажатлари

Танловда қўлланиладиган тил

Танлов таклифини ташкил килувчи хужжатлар

Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

Муқобил таклифлар

Танлов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

Г. Танлов таклифининг топширилиши ва очилиши

Танлов таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш

Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддати

Танлов таклифларининг очилиши

Д. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғодибларни аниклаш тартиби

Танлов таклифларини баҳолаш ва ғодибларни аниклаш

Таклифларнинг мос келмаслиги

Е. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш

Тўлов шартлари

Шартномани имзолаш

А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги Конуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат раками 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

Танловни ташкил қилишининг асосий мақсадлари қўйидагилар:

Танловни ўтказиш очик турда бўлиб, ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармасининг харажатлар сметасида ажратилган ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармасининг ЭЦВ насосларни тулик таъмири учун ташкилотни аниқлаш бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

Тўпламлар сони: 30 кун давомида

Хизматларнинг максимал нархи: 67 028 852 сўм.

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғи билан.

Ишлар танлов хужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 30 кун.

2. Мазкур танлов хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари хисобидан ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармасининг ЭЦВ насосларни тулик таъмири учун ташкилотни аниқлаш бўйича Танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлов хужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлов ўтказиш тартиби – бир боскичли.

Буюртмачи – ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармаси;

Манзили: Самарканд вилояти, Самарканд шахри Рудакий кучаси 174-А уй;

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – давлат ҳаридлари бўйича мутахассис Бекмуратов Асрор;

Тел.: (91) 524 98 00.

3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

- танлов ўтказиш тартиб-коидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда танловни ўтказади;
- танлов талабгорларига тааллукли барча хужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- танлов бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;
- таклифлар билдирилган конвертларни очади, уларнинг танлов хужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;
- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларни кўриб чиқишида нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва холисликка ҳамда конун хужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;
- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;
- голиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

Танловнинг ташкилотчиси - Ишчи гурух. Унинг вазифасига қўйидагилар киради:

- танлов хужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www.dxarid.uzex.uz порталида эълон беради;
- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:

-қатнашчиларнинг танловга тақдим этилган молиявий хужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қиласи ва кўриб чиқади;

-энг яхши танлов нарх таклифини аниқлайди, голибни аниқлайди ва қарор қабул қиласи.

Қатнашчи - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- факат битта таклифни тақдим этиш хукуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш хукуқига эга.

5. Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлов қатнашчиларини малакали танлови Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов қатнашчилари қуйидаги хужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидага маълумотнома;

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувохноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш хукуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танловдан ўтган қатнашчи танлов комиссиясига (муҳрланган) ва ички муҳрланган конвертни **йўлланма ҳат** билан тақдим қилган бўлишлари керак. Конвертда талабгор номи, манзили ва Танлов комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб, қуйидаги хужжатлар бўлиши лозим:

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);

- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);

- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);

- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);

- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);

- танлов таклифи асли (6-шакл);

- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.3. Қатнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз хисобидан қоплайди.

5.4. Танловда голиб чиқсан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлов голиби – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танловда энг паст нарх таклиф килган танлов қатнашчиси.

Захирадаги қатнашчи – танлов голибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф килган қатнашчи.

5.5. Танловга қуйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

- шартнома тузиш учун конуний хукуққа эга бўлмаган;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

- имтиёзли солик режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишида маълумотни ошкор килиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган худудларда рўйхатдан ўтган ва банк хисоб ракамларига эга бўлган;

- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи куйидаги холларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида катнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг хар қандай амалдаги ёки собик мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг хар қандай шаклда маблаг, иш таклифини ёки бошқа хар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф килиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида харакатлари юзасидан қарор қабул килиши ёки хар қандай ракобат тартибини кўллаши;

- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз ракобат устунлиги ёки манфаатлар тўкнашувига эга бўлса.

6. Танлов доирасида ҳужжатларининг маҳфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот маҳфий хисобланади ҳамда танлов тартиб-коидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум килинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганини учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Б. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Танлов ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлов катнашчиси унга берилган танлов ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлов ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиши

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи танлов ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиши учун танлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат килишлари мумкин:

8.2. Танлов комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлов таклифларини тақдим этишининг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танловнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлик саволга ёзма жавоб бериши шарт.

9. Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танлов комиссиясининг комиссия қарорига мувофик талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиши учун етарли бўлган вакт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

В. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танловда қатнашиш ҳаражатлари

10.1. Танловда иштирок этиши ва танлов ҳужжатини тайёрлаш билан боғлик бўлган барча ҳаражатлар қатнашчининг маблаглари хисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлов таклифи нархи хисобланади.

10.3. Танлов таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча ҳаражатлар, яъни солик ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга кадар ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига караб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлов таклифлари исталган боскичда, танлов талабларига жавоб бермайди деб каралади ва танлов комиссияси томонидан кўриб чикилиши рад этилади.

11. Танловда қўлланиладиган тил

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва қатнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли хужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

12. Танлов таклифини ташкил қилувчи хужжатлар

12.1. Танлов таклифлари бир асл нусхадан, факат муҳрланган конвертда бўлиши лозим. Танлов комиссияси номини ва манзили кўрсатилган конвертда **5.2-бандда** келтирилган хужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда кабул килинади.

Конвертнинг юза кисмида иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон ракамлари, юридик манзили ва танлов номи ва лоти кўрсатилади.

Конвертда – маҳсулотни етказиб бериш жадвали, танлов таклифлари, маҳсулот учун таклиф килинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Танлов комиссияси лозим бўлганда Танлов қатнашчиларидан тақдим этилган Танлов таклифларини тасдиқлаш учун кўшимча ёки бошка маълумотларни талаб килиши мумкин.

13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

13.1. Қатнашчи танлов таклифини қатъий равишда мазкур танлов хужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлов таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлов хужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлов таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

14. Муқобил таклифлари

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлов таклифлари кўриб чикилмайди.

15. Танлов таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи танлов хужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун қатнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, ракамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир вараги имзоланган холда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Танлов қатнашчисининг имзоланмаган, слимланмаган ва муҳрланмаган конвертлари кўриб чиқилмайди ва Танлов комиссияси томонидан рад этилади.

Г. ТАНЛОВ ТАКЛИФИННИГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ

16. Танлов таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш

16.1. Танлов қатнашчиси танлов таклифларини мазкур танлов хужжатлари талабларига қатъий риоя қилган холда муҳрлаши керак.

16.2. Қатнашчининг танлов таклифи, танлов очилган кундан бошлаб 30 (үттиз) кун мобайнида ўз кучини саклаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда танлов комиссияси танлов қатнашчисидан таклифнинг амалда

бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

17. Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддати

17.1. Қатнашчиларнинг танлов таклифлари dxarid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 10 календарь кундан кечикмасдан танлов комиссиясига топширилади (**шанба, якшашба дам олиш куни этиб белгиланади**).

17.2. Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддати хеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташкари).

17.3. Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддатига 3 кун колгунга кадар танлов катнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлов катнашчиси томонидан танлов хужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлов хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (конвертларнинг ёпиштирилмасдан берилиши, шаклларнинг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган хужжатларни тақдим этмаслик ва х.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

18. Танлов таклифларининг очилиши

18.1. Танлов таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 10 кундан кўп бўлмаган муддатда танлов комиссияси танлов таклифлари берилган конвертни очади.

Таклифлар билдирилган конвертлар, қатнашчилар ёки уларнинг тўлақонли вакиллари иштирокида очилади. Қатнашчилар вакиллари қатнашмаганлиги конвертнинг очилмаслигига ёки мазкур жараённинг қайта ўтказилишига асос бўла олмайди.

18.2. Конверт очилгандан кейин танлов қатнашчилари танлов комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади, танлов хужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Хужжатлар пакетида танлов хужжатларига қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, хужжатлар уларнинг мазмuni эълон қилинмасдан қатнашчига қайтарилади.

18.4. Танлов комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлов қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танловга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

18.5. Танлов таклифлари билдирилган конвертларни очиш ва ғолибни аниқлаш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

Д. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

19. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

19.1. Танлов комиссияси танлов таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлов таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлов таклифларини баҳолаш вактида Танлов комиссияси танлов қатнашчисидан унинг танлов таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш максадида уларнинг танлов таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлов таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиги тўловчилари томонидан солик суммаси киритиб хисоб қилинади.

19.3. Танлов қатнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни

баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлов таклифларини қараб чикиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.5. Энг паст нарх таклиф қилган қатнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.6. Якун чиқариш ва танловнинг ғолиби тўғрисидаги карор танлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлов комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хуносасига асосланилади. Карор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Танлов комиссияси раисининг овози ҳисобга олинмайди факат имзоси билан комиссия аъзолари қарорини тасдиқлаб беради.

19.7. Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлов таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқукини ўзида олиб колади.

19.8. Танлов комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йигилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Танлов ташкилотчиси танлов ғолибига танлов якунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва якунларини Республика товар-хом ашё биржасининг www.dxarid.uzex.uz маҳсус порталida эълон қиласи.

20. Таклифларнинг мос келмаслиги

20.1. Танлов ҳужжатларини текшириш чогида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси:

катнашчига танлов таклифи тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик киладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан ракамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик киласи.

20.2. Агарда қатнашчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлов таклифи танлов комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи ҳуқуки бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлов куйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охирги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофик бўлмаса;

барча танлов таклифларида танлов ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юкори бўлса.

20.5 Танловнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлов қатнашчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

1. Танлов Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Буюртмачи ва танлов ғолиблари ўртасидаги шартнома танлов ғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг www.xarid.uz маҳсус порталida эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичидаги тузилади.

21.2. Агар Танлов ғолиби шартнома тувишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлов комиссияси қарорига кўп баллга эга бўлган захирадаги қатнашчини танлов ғолиби деб мувофик кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги қатнашчини танлов ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.

22. Шартномани имзолаш

22.1. Голиб қатнашчи 3 (уч) кун муддат ичидә Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Голиб деб топилган қатнашчи шартномани бажарыш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг күп балл түплаган захиралаги қатнашчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлов голиби микдор, сифат ҳамда техник күрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.